IAPA INTERNATIONAL

Global Support Local Knowledge

Аудиторлик Ташкилоти

«NAZORAT AUDIT»

01 МАЙ 2020 ЙИЛ



Аудиторлик Хисоботи

«Турткул пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

2019 йил якуни бўйича

I. КИРИШ КИСМИ:

Аудиторлик ташкилоти буйича маълумот:

Аудиторлик ташкилоти бўйича тўлиқ номи:	МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти
Юридик манзили:	Тошкент шаҳри, Госпитал дахаси 11/2, тел: +99895 1447455, тел/факс: +99871 1502301
Давлат руйхатидан ўтказилган санаси:	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.12.2007 йилда №545 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтказилган.
Аудиторлик лицензияси:	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28 июль 2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишга руҳсат берувчи 00067-сонли Лицензия.
Аудиторлик ташкилоти раҳбари	Назаров Баходир Нематович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26-апрелда берилган №05207 аудитор малака сертификатига эга.
Банкдаги ҳисоб рақами:	Х/р 20 208 000 604 400 007 713 001, «Davr-bank» ХЁАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046
СТИР	202884570
ОКЭД	69202
Аудиторлик текшириш учун асос :	07-Август 2019 йилдаги 95/29-19 -сонли шартнома
Аудиторлик ҳисоботни тақдим қилинган сана:	01-май 2020 йил

Ташкилот буйича маълумотлар:

Ташкилотнинг тўлиқ номи:	«Турткул пахта тозалаш» Акциядорлик жамияти (бундан кейинги матинда жамият)
Юридик манзили:	Қорақалпоғистон Республикаси, Турткул шаҳри А.Пирманов кўчаси 1- уй.
Банкдаги ҳисоб рақами:	ОАТБ «AGROBANK» Турткул филали жорий хисоб раками 20210000700566988001. МФО 00598.
Давлат рўйхатидан ўтказилган санаси:	Қорақалпоғистон Республикаси, Турткул тумани хокимлиги хузуридаги «Ягона дарча»

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

томонидан Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 2016 йил 12-август куни 02224-сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилиб гувоҳнома берилган. ТХШ-11050, МШ-513, КТУТ-00331333, МХОВТ-1735233. СТИР 200392386. ХХТУТ 17111.

«Турткул пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъсул шахслари:
- жамият раиси лавозимида Н.Абаев 2016 йил 11-декабрдан №130-к буйруқ асосида шу кунга қадар ишлаб келмоқда.

2016 йил 02-сентябрдан №102-кбуйруқ асосида шу кунга қадар бош ҳисобчи вазифасида Ж.Серикбаев фаолиятини юритиб келмокда.

Аудиторлик текшируви «Турткул пахта тозалаш» АЖининг раиси Н.Абаевнинг хабардорлигида, ҳамда бош ҳисобчиси Ж.Серикбаевнинг бевосита иштирокида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 2020 йил 29-январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил қилинган коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурига асосан жамиятнинг хисоботларининг асосий қисмини масимал даражада масофадан туриб(«онлайн»режимида масофавий тарзда) олинган маълумотлар асосида хисобот тузилди.

Аудиторлик ҳисоботи бўйича аниқланган маълумотлар маҳфий ҳисобланиб, маълумотларни сир сақланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

«Жиддийлик даражаси ва аудиторлик таваккалчилиги» №9 АФМСи бўйича жиддийлик даражасининг мақбул миқдори жамиятнинг 2019 йил ҳисоботининг асосий молиявий кўрсатгичлари бўйича олинди.

	Базовий кўрсатгич, минг. сўм	**Критерии, %**	**Жиддийлик даражасини аниқлашдаги кўрсатгичлар миқдори минг сўмда**
Солиқ тўлагунга қадар фойда	1 824 452	4	72 978
Сотидан соф тушум	96 636 453	3	2 899 094
Хусусий капитал тақсимланмаган фойдани чегирилган ҳолда	16 861 361	2	337 227
Жами активлар	123 838 223	5	6 191 911
Жиддийлик даражасининг энг мақбул миқдори			**9 501 210**

Аудит ўтказишдаги аниқлик даражаси

Пул миқдоридаги аниқлик кўрсатгичлари	**1 781 477**

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботлари миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида жиддийлик даражасининг миқдори 1 781 477 минг сўм ҳисобланди.

Жамиятнинг хуқуқий асослари, тузилиши ва фаолияти.

Аудиторлик текшируви УзР. МВ 2019 йил 09-ноябр кунгии 85-сон буйруги ва АВ 2019 йили 01-декабр куни 2844- сон билан рўйхатга олинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги миллий стандартлари талаблари асосида аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари ва аудит текшируви учун тақдим этилган бухгалтерия хужжатлари, ҳисоботларига таянган ҳолда ўтказилди.

Молиявий ҳисоб кўрсаткичлари туғри тузилганлиги жамият раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудитор вазифаси ўтказилган аудиторлик текшируви маълумотлари асосида молиявий хўжалик фаолиятига тегишли хужжатлар юзасидан туғри хулоса беришдан иборат. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Аудиторлик текшириш :- 2020 йил 25-апрел куни бошланиб,
2020 йил 01-май куни якунланди.

II. ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ

1.Жамиятнинг ташкил топиши ва фаолиятининг хуқуқий асослари.

«Турткул ок олтини» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Қорақолпоғистон Республикаси Давлат Мулкни бошқариш комитетининг 2010 йил 12 – феврал кунги № 32 – 16К сонли буйруғи билан қайта ташкил қилинган ва Қорақолпоғистон Республикаси Эканомика ва статистика вазирлиги статистика бошқармаси томанидан 1995 йил 06-февралда 8671-сон билан рўйхатидан ўтган, жамиятнинг низоми Турткул тумани Ҳокимлиги хузуридаги «Ягона дарча маркази»дан 2019 йил 12-август куни №02224 рақам рўйхатидан ўтказиб гувоҳнома бкрилан асосий ишлаб чиқариш бўйича 17111 рақамли ОКОНХ 200392386 коди берилган

Акция пакетлари қуйидагича тақсимланган:

Жамиятнинг баланс бўйича йил бошига устав фонди 624960,0 минг сўм белгиланган бўлиб, асосий восита ва бошқада мулклардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилиб, балансниг 8300 устав жамғармаси счетида акс эттирилган.

Қорақалпоғистан Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 2009 йил 31 декабр кунидаги № 120 буйруги билан «Турткул ок олтини» очиқ

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

турдаги акциядорлик жамияти бўлиб рўйхатдан ўтган «Ягона дарча» марказидан қайта рўхатдан ўтказилгандан кейинги баланси бўйича устав жаргармаси 624960,0 минг сўм белгиланган бўлиб, хар бир акциянинг номинал қиймати 4,500 минг сўмдан 138880 дона оддий акция шундан 693 дона имтиёзли акция бўлинган, жамиятнинг 2019 йил 28-июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарори билан жамиятнинг олдинги 2015-2016 йиллардаги соф фойдасининг 1249920,0 минг сўми ўз капитали хисобидан 276368 оддий ва 1392 дона имтиёзли қўшимча акциялар чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилиб акциялар сони 416640 дона номинал қиймати 4500 сўмдан 1874880,0 минг сўмга кўпайтирилган бўлиб куйидагича тақсимланган:

(Сўмда хисобланган)

Улуши	%да	Акциялар донаси	Суммаси
«Узпахтасаонат» АЖ	51 %	212484	956178,0
Эркин савдода	44,5%	185436	834462,0
Меҳнат жамоати	4,5 %	18720	84240,0
Жами	100 %	416640	1874880,0

«Узпахтасаонат» АЖининг акцияси 212484 донаси оддий акциялар;
Эркин савдодадги 185436 дона акцияларнинг 184056 донаси оддий ва 1380 донаси имтиёзли акциялардир;
Мехнат жамоасининг 18720 дона акциясининг 18012 донаси оддий ва 708 донаси оддий акциялардир. Жамиятнинг жами бўлиб 414552 дона оддий ва 2088 дона имтиёзли акциялари бўлган.

Жамият Низомига асосан қишлоқ хўжалик корхоналаридан пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаб пахта толаси, техник чигит, уруғлик чигит ва уларни сотиш билан шуғулланиши белгиланган бўлиб жамият текшириш ўз ичига олган даврда тасдиқланган Низомида белгилаб қўйилган фаолият турлари билан шуғулланиб келган.

2. Жамиятнинг ҳисоб сиёсати.

«Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» деб номланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси №1 (БХМА-1) талабларига кўра корхонанинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект раҳбари тамонидан ишлаб чиқилиб,унинг буйруғи ёки фармойиши билан жорий йил бошида тасдиқланиши ва календарь йили давомида ўзгаришлар киритилмаслиги белгилаб қўйилган.

Аудиторлик текширувида жамиятда ҳисоб юритиш сиёсати жамият раҳбарининг фармойиши билан юридик хужжат сифатида расмийлаштирилганлиги ва умум белгиланган тартибда ҳисоб юритилгани маълум бўлди.

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

3. Ички назорат тизимининг тавсифи.
Бухгалтерия ҳисоби тизимининг холати.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ бош ҳисобчи томонидан амалга оширилган. Жамиятда ҳисоб юритишнинг журнал-ордер шаклидан фойдаланилган.

Бухгалтерия ҳисоб варақлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БХМСда белгиланган ҳисоб варақлар режасига мувофиқ очилган.

Дастлабки танишув натижаларига кўра бухгалтерия боғламалари хар ойлик журнал ордерларида умумлаштирилиб, уларга зарур бошланғич ҳисоб хужжатлари, жамламалари, ойлик ҳисоботлари бириктириб борилган. Аналитик ҳисоб регистрлари, жадваллар, китоб ва журналлар, айланмалар жамламалари, юритилиб хар ойлик айланамалар, қолдиқлари чиқариб борилган.

Бизнинг фикримизча хўжалик операцияларини расмийлаштиришнинг ўз вақтидалиги тўлиқлиги ва сифатини ўрта даражада баҳолаш мумкин.

Жамият томонидан ҳисобот йилида ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар ҳамда солиқ ҳисоб-китоблари белгиланган шаклларда ва муддатларда тузилиб тегишли идораларга тақдим этиб борилган.

Муҳим ахамиятли кўрсаткичлар бўйича йиллик ҳисоботдаги, маълумотлар аналитик ҳисоб регистрлари ва бош китоб маълумотларига мувофик акс эттирилган.

Жамиятда назорат мухитининг холати.

Дастлабки танишув жараёнида жамият раҳбарияти томонидан ички назорат тизимини белгилаш ва унинг таъминлашга йўналтирилган амалий харакатлари ва назорат натижаларидан уларнинг хабардорлигини баҳолашга эътибор йўналтирилди.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув кенгаши жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади. Жамиятнинг жорий фаолиятига ижро органининг раҳбари- бошқарув кенгашининг раиси умумий раҳбарлик қилади.

Жамиятнинг бўлимлари ва ишловчи хизматчилар бўйича ваколат ва вазифаларини тақсимотлари мавжуд, улар бўйича мансаб йўриқномалари, техника, ёнғин ҳавфсизлиги йўриқномалари, фавқулотда ҳолатларда харакатланиш йўналишлари кўринарли жойларга жойлаштириб қўйилган.

Бўлимлар иш фаолиятлари хақидаги маълумотлар бухгалтерияда умумлаштирилиб ташқи ва ички фойдаланувчилар учун зарур ҳисоботлар ва маълумотлар тузилиб тақдим этиб борилади.

Жамиятда хуқуқшунос штати мавжуд бўлиб, молиявий хужалик фаолиятини умуман қонунчиликка мослигини назорат қилиб боради. Ички мехнат интизоми, меҳнат хақида бошқа қонунлар, нормалари хақида

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

адабиётлари тўплами мавжуд бўлиб зарурият бўлса чет юридик хизматлардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча жамиятда назорат мухитини холатини ўрта даражада йулга қўйилган.

Назорат воситаларининг холати.

Жамиятда хужжат айланишининг туғрилиги бу хужжатларда раҳбар ходимларнинг имзолари ва розилик ёзувларининг мавжудлиги ўрганилганда ички ишлаб чиқаришдаги айрим товар моддий бойликлари юк хатларида имзолар тўлиқ қўйилмасдан бухгалтерияга тақдим этилгани, айрим холатларда иссиқ овқат ҳисоботларида чиқариш далолатномалари тузилган ведомостлар тузилмаган ва материал ҳисоботларида раҳбарнинг розилик имзолари тулиқ қўйилмагани аниқланди, текириш жараёнида туғирланди ва БХМС бўйича тавсиялар берилди.

Жамият бухгалтерия томонидан бошланғич хужжатлардаги ёзувларни ва ҳисоб китобларни арифметик туғрилиги назорат қилиб борилган.

Жамият ижрочи органининг 2019 йил учун Бизнес режаси мавжуд бўлиб, Кузатув кенгашининг йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

Жамиятнинг режалаштириш бўлими томонидан режа кўрсаткичларининг бажарилиши, динамикаси тадқиқ қилиниб, салмоқли фарқлар сабаблари тахлил этиб борилмаган.

Жамият раҳбарияти томонидан моддий жавобгар шахслар рўйхатлари, ишончномани олишга рухсат қилинган ходимлар рўйхати, моддий жавобгарлик тўғрисидага шартномаларни хар йили янгилаб, тасдиклаш масалаларига жиддий эътибор талаб этилади.

Жамиятда ишончномаларни, ҳисоб-варақ фактураларни, буйруқ ва шартномаларни ҳисобини олиб борилган.

Бизнинг фикримизча Жамиятда назорат воситалари қўлланиши ўртача даражада ташкил этилган деб баҳолаш мумкин.

Умуман олганда Жамият микёсида ички назорат тизими ўртача даражада ташкил этилган бўлиб аудиторлик текширишларни режалаштиришда ҳисобга олинди.

Шартномалар тузилиши бўйича.

Жамият томонидан хўжалик юритувчи субъектлар талаблари асосида калава ип ва пахта чиқиндилари сотиш бўйича буюртмачи ва бажарувчилар муомилалари 2 томон ўртасида тузилган шартнома асосида бажарилиб келинган. Тузилган шартномалар йиллик муддатларга тузилган.

Ушбу муомилалар бўйича шартномалар юридик шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси” ва 29.08.1998 й.N 670-I

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши кўрилганда қуйидагилар аниқланди:

Шартномаларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган, шартномаларни рўйхатга олиш дафтари юритилмаган.

Шартномалар тузилиши белгиланган юқоридаги меъёрий хужжатлар талабига мос келиши ўрганилганда шартномаларда1998 йил 2-август куни қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг талаблари бўйича тузилган шартномалар юристнинг хулосалари ёзилмаган, шартномалар юрист томанидан тасдиқланмаган. Юристнинг хисоботлари тузилмаган шартномаларнинг шартларининг бажарилиши назорат қилинмаган.

Тавсия:

-Шартномалар тузилишида ва расмийлаштирилишида Ўзбекистон Республикасининг "Фукаролик кодекси" ва 29.08.1998 й. N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя қилиш.

Узоқ муддатли инвестициялар.

0610 "Қимматли қоғозлар" счётида «Қорақолпоқпахтасаноат» ХАБнинг 3521 минг сўмлик ва «AGRO BANK» Турткул филиалининг 31396 минг сўмлик акциялари мавжуд бўлиб, чорак якунидан қолдиқ қолган.

Узоқ муддатли инвестициялар Кузатув кенгаши мажлисининг баённомалари ва бошқа бирламчи ҳужжатлар орқали ҳисобда тўғри акс эттирилган.

2019 йил бўйича жамият узоқ муддатли инвестицияларидан дивидендлар кўринишидаги даромадлар олинмаган.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 декабрда 65-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-БҲМС) "Молиявий инвестициялар ҳисоби" ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-БҲМС) "Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби" Стандартлари талабларига тўла мос келади. Молиявий инвестициялар бўлими аудит қилинганда, хатоликлар кузатилмади.

Жамиятда жорий йилда «BARAKA PAXTA TEKS» маъсулияти чекланган жамиятининг устав фондини шакиллантириш учун 10000,0(Ўн миллион) сўм ушуш сифатида узоқ муддатли инвистиция киритилиб, 0620 –хисибда акс эттирилган.

2019 йил 31-деабр холатига узоқ муддатли инвистициялар хисобида 10 034 917 минг сўм қолдиқ қолган.

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

4. Асосий воситалар ва узоқ муддатли активлар ҳисобининг таҳлили.

Жамиятда асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия янги ҳисоб варақлар режасининг “0110-0190-асосий воситалар” ҳисоб варағида, эски ришини эса 0210-0290 ҳисоб варағида юритиб келинган.

Жамият томонидан асосий воситалар ҳисобини юритиш учун асосий воситаларга инвентар карточкалар очилмаган лекин алоҳида китоб очилиб ва асосий воситалар харакати компьютер орқали дастурсиз ҳисоб-китоби юритилган.

Жамият бухгалтерияси томонидан асосий воситаларга эскиришларни ҳисоблашда қийматни бир маромда ҳисобдан чиқариш (туғри чизиқли) усулидан фойдаланилган.

Жамиятнинг активларини сақланишини таъминлаш учун моддий-жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик шартномаси тузилади. Шартномада жавобгар шахснинг паспорт маълумотлари, лавозими, бажариладиган ишлар ва шартнома муддати кўрсатилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида (29.08.1998 й. № 670-1 сон) Қонунга мувофиқ жамиятнинг барча шартномалари юридик экспертизадан ўтади ва ҳуқуқшунос томонидан имзоланади.

Жамиятда йил бошига асосий воситалар ҳисоботи бўйича асосий воситаларнинг йил бошига қайта баҳолангандан кейинги бошланғич қиймати 27205297,2 минг сўмни, эскириш қиймати 10915509,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 16289788,1 минг сўмни ташкил қилади.

Жамиятда 2019 йил 01-январ ҳолатига асосий воситалар қайта бахоланган шундан бошлангич қиймати ДТ-01, КТ-85- 1189497,2 минг сўмга эскириш қиймати ДТ-85, КТ 02 427620,8 минг сўм бахоланган ва 8510-счёти 761876,3 минг сўмга кўпайтирилган, қайта боҳалаш кайфицентлари қўлланилиши тахлил қилиб кўрилганда хисоботга нисбатан фарқ аниқланмади. Бундан ташқари жорий йилда хисобдан чиқарилган асосий воситалари хисобидан 8510-резерв капиталидан камайтирилиб асосий воситаларнинг хисобдан чиқарилишидан доромадлари 9210 бухгалтерия праводкаси берилиши кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда жами бўлиб асосий воситалар таркибига 560147,2 минг сўмлик кирим бўлган ва йил давомида 43074,4 минг сўмлик асосий воситалар чиқим қилинган.

Ҳисоб сиёсатида Жамият асосий воситаларига эскириш ҳисоблаш Солиқ кодексида келтирилган фоизларда тўғри чизиқли усулда амалга оширилиши белгилаб ўтилган. 2019 йил давомида асосий воситаларга эскириш ўз вақтида ва тўғри ҳисобланган. Ҳисобланган эскириш суммаси 3465741,7 минг сўмни ташкил этган.

Аудиторлик текширувлари натижасида Жамиятда асосий воситалар ҳисобининг юритилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишлари аниқанмади.

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

Жорий йил бўйича асосий воситалари белгиланган тартибда хисоботлари юритилиб йил якунида асосий воситалари қийматликлари 2019 йил 31-декабр холатига бошланғич қиймати 27722370,0 минг сўмни, эскириш қиймати 14340629,9 минг сўмни, қолдиқ қиймати 13381740,1 минг сўм бўлган.

Тавсия:

Асосий воситаларни ЎзР АВ 28.08.1998 йил №486 рўйхатга олинган ва Ўз МВ 27.08.1998 йили № 44 тасдикланган 5-сон БҲМСнинг 54-55 моддасига асосан асосий воситалар камида икки йилда бир маротаба инвентаризациядан ўтказиш белгиланган шу асосида 19-сон БҲМСда белгиланган тартибда асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиб асосий воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаб тахлил қилиш, инвентаризация якуни бўйича хар бир асосий воситага алоҳида хисоб очилиб қолдиқ қиймати, хисобланган эскириш қиймати ва хисобланган қайта баҳолаш бўйича қолдиқ қийматларни қайтд қилиб бориш. Асосий воситаларни хисобдан чиқаришда 8510 ҳисобидан қайта баҳоланган қисмини қайтариш. Асосий воситаларнинг ҳисоботларини ЎзР АВ 09.12.2014 йил 1299-1 –сонбилан рўйхатга олинган «Асосий воситаларни баланс ҳисобидан чиқариш тўғирисда»ги ЎзР МВ буйруғи асосида юритиш.

5. Ғазнадаги пул маблағлари ҳисобининг аудити.

Жорий йилда жамият ғазнасиги йил давомида нақд пул маблағлари ғазнага кирим қилинмаган иш хақилари фақат пластик хисоб рақамига бўйича хисоблашилган.

6. Жамиятнинг банкдаги жорий ва махсус ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг аудити.

Жамиятда банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 – апрелда 1122 – сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб китоблар туғрисида»ги Низом талаблари асосида юритилган.

Жамият бухгалтерияси томонидан банкдаги жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг хисоби 5110, 5120 хисоб варақларда, махсус ҳисоб рақамлардаги пул маблағларининг ҳисоби эса 5501, 5509 хисоб варақларда банкдан олинган кўчирмалар билан узвий боғлиқ ҳолда юритиб борилган.

Банкдан тақдим қилинган кўчирмалар асосида ҳар бир ҳисоб рақами бўйича хар ой давомида 01-сон журнал ордерида ҳар бир ҳисоб рақамлар бўйича алоҳида ҳисоботлар юритилган

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

Хисоб рақамларидаги маблағларнинг кирими чиқими хисоботлари банк томонидан берилган кўчирмалари асосида бухгалтерия праводкалари берилиб борилган.

Ҳисоботлар бўйича банкдаги ҳисоб рақамларида 50503 минг сўм қолдиқ қолган, йил якуни балансининг код-320 да 50503 минг сўм қолдиқ тўғри кўрсатилган.

7. Мехнатга ҳақ ўлаш ва унинг ҳисоби.

Жамият томонидан ишчи ва хизматчиларига меъёрий хужжатларга асосан, белгиланган тартибда иш хақи ва бошқа даромадлар ишбай, вақтбай асосда, қатнашган иш кунлари ва иш нормалари хисобга олган ҳолда ҳисоблаб борилган.

Жамиятда 2019 йил бошига 381 нафар, йил охирига 384 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилиб келган. Шундан бошқарув ҳодимлар 12 нафар, ўриндошлик бўлмаган ва касаначилар бўлмаган. Йил давомида ишдан бўшаганлар 232 та ва ишга қабул қилинганлар 235 тани ташкил қилган.

Кадрлар билан ишлаш бўлимида Сардор Рузимов ишлаб келган.

Жамиятда ишловчилар билан тузилган мехнат шарномалари бир маротабалик бўлиб, муддати доимий тузилган. Моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик туғрисида шартномалар тузилган, меҳнат дафтарчалари тўлдирилган ва сейфда сақланади. Ишга кириш билан боғлиқ барча тегишли хужжатлар расмийлаштирилган ва ШЖБПФ дафтарчалари мавжуд. Ишлаб чиқариш бўйича буйруқлар ва ходимларни ишга кириши, ишдан бўшаши, меҳнат таътили берилиши ва бошқа кадрлар бўйича буйруқлар алохида расмийлаштириб келинган. 2019 йил учун мехнат таътили графиги ишлаб чиқилган.

Жамиятда ходимларнинг хафталик иш кунлари 6 иш кун белгиланган ва шунга асосан бошқарув ва ишчи ходимларга табель асосида штат жадвали бўйича асосий иш хақи хисоблаб борилган.

Бундан ташқари меҳнат битимида келишилган шартлар асосида хисоб- китоблар амалга ошириб борилган.

Ишчи хизматчиларга ҳисобланган иш хақи ва бошқа даромадларни хисобини юритиш учун махсус андозадаги иш хақи китоби юритилган.

Хисобот йили бошида ишчи хизматчилардан иш хақидан бўлган олгидорлик 1784,9 минг сўм ва қариздорлик 458053,9 минг сўм бўлган жорий йил давомида жамият бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчиларга жами 5203192,6 минг сўмлик иш хақи ва бошқада даромадлар хисобланган яъни:

(минг сўмда)

Ҳисобланган иш хақи ва бошкада доромадлар	Сумма
Оклад	3410113,8
Компенсация тўланмаган таътил учун	22401,9

Иш хақидан ушламалар	Сумма
Доромад солиғи	610600,2
Проф взнос	51166,5

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

Тунги соат у-н	168174,9	Пластик хисобига	4106980,0
Қўшимча бажарил ишлар	545485,5	Субботник	7074,8
Мехнат таътили	229548,6	Парт взнос ХДП	423,5
Қўшимча хисоб мех таътил	84520,1	Ер ва Мулк солиғи	1400,0
Ишдан бўшаш компенсация	42825,5	Эл энергия учун	9850,0
Мукофат 8-март	20090,0	Прат взнос ЛДПР	1698,0
Ишбай асосида	376936,4	Кассадан нақд пуллар	247615,0
Ғарам босувчилар	160676,6	Таббий газ тулови	9582,0
Моддий ёрдам	8650,0	Суд карори жарима	4605,3
Моддий ёрдам доваланиши	8769,1	Ўқиш учун	2002,0
Олдинги ой у-н хисобланган	7570,9	Уқиш контракти	2482,5
Мукофат пули	23645,9	Алимент	20003,0
Мукофат юбилей	3657,5	Алимент почта харажати	838,8
Оклад	14180,7	Ипатека кредити	4860,0
Байрам куни қўшимча ишлагани учун	191,0	Ота-оналар взноси	572,2
Моддий ёрдам(подаход хисобланмайдиган)	4460,0	Истемол кредити	350,0
Қўшимча хисобланган(30-50%)	1205,9		0
Хомиладорлик к/варақаси у-н	3392,9		0
Касаллик вар.	21174,3		0
Увечъе	22859,6		0
Бола 2-ёшгача тарбияси	22661,0		0
Жами ҳисобланган	**5203192,6**	**Жами ушламалар**	**5082107,1**

Жорий йил якуни бўйича жамиятнинг ишчи хизматчилардан иш хақи бўйича қариздорлиги тўланган иш хақилар ва барча турдаги иш хақи ҳисобидан хисоб рақамларидан чиқим қилинган маблағларни ҳисобга олинган ҳолда иш хақидан олгидорлик қолиқ қиймати 46,9 минг сўм ва қариздорлик қолдиқ қиймати 577401,4 минг сўм эканлиги аниқланди.

Жорий йил якуни бўйича баланснинг (код-720)иш хақи ҳисобидан қариздорликлари 577401 минг сўм бўлиб хисобот бўйича фарқ борлиги аниқланмади.

Тавсия: Ҳисоботлар бўйича иш хақидан бўлган қарздорлик бўйича аниқланган иш хақидан ушламаларидан фарқни 2019 йил иш хақи ҳисобидан ушлаб қолиш, белгиланган меъёрлардан ортиқча тўланган хизмат сафари харажатлари тўламларини хизматчиларнинг иш хақи доромадлари хисобига киритилиб доромад солиғи хисоблаш.

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

8. Дебетор ва кредитор кариздорликлар хисоби.

Жамият бухгалтерияси тамонидан хоридор ва буюртмачиларнинг қардорликларини 4010 счётида ва мол етказиб берувчиларга берилган бўнакларни 4300 счётида, бошқада кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун булган қариздорликлар 4800 счётида, ички тизимдаги жамиятлардан бўлган қариздорликлар 4120 счётида ва ходимларга берилган узоқ муддатли қариздорликлар 4700 счётида ва ички тизимдаги қариздорликлар 6120 счётида юритилиб келинган.

01.01.2020 йилга дебитор қариздорликлар қолдиғи:

(минг сўм)

Счета	Счётлар номи	Йил бошига колдик	Йил охирига колдик
4100	Шуъба ва карам хужалик жамиятиларнинг карзи	2584047	6241911
4300	Счета учета авансов, выданных поставщикам	853836	595500
4400	Авансовые платежи по налогам в бюджет	105365	14838381
4500	Жамғарма суғурта бадалларига бўнак тўлови	0	4290196
	Жами	**3543248**	**25965988**

Йил бошига дебиролик қарздорликлар 3543248 минг сўм бўлган тўртинчи чорак якуни бўйича йил бошига нисбатан фарқи 22422740 минг сўм кўп бўлиб бу асосан ички тизимдаги ташкилотлар хиобидан 3657864 минг сўм ошган ва Бюджетга, жамғармаларга тўланган йил бошига нисбатан 19023212 минг сўм бўнак тўлови хисобига кўпайган.

Жамиятининг 01.01.2020 йилга бўлган мажбуриятлари:

Минг сум.

Счета	Счётлар номи	Йил бошига колдик	Йил охирига колдик
6000	Мол етказиб берувчиларга қариздорликлар	0	11608966
6100	Ички тизимдаги жамиятлар ва бирлашмага қариздорликлар	67066068	90949815
6400	Бюджетга бўлган қариздорликлар	496	0
6500	Максадли давлат жамғармларига туловлар	895051	0
6600	Таъсисчиларга девидент учун тўловлар	68842	68842
6700	Иш хакидан қариздорликлар	458053	577401
6900	Бошкада кредитор қарздорликлар	206753	529034
7200	Солиқ ва мажбурий туловларнинг кечиктирилган қисми	2574248	0
	Жами	**71269511**	**103734058**

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

Йил бошига кредиторлик қарздорликлар 71269511 минг сўм бўлиб, тўртинчи чораги якуни бўйича йил якунида 103734058 минг сўм бўлиб йил бошига нисбатан 32464547 минг сум 45,6%га кўпайган. Бу асосан мол етказиб берувчиларга бўлган қаридорликлар йл бошига нисбатан 11608966 минг сўмга ва ички тизимдаги ташкилотлардан бўлган қариздорликларнинг йил бошига нисбатан 23883747 минг сўмга кўпайиб жамиятларнинг қариздорликлари кўпайишига олиб келган.

Тавсия :

1995 йил 12 – май кунги ПФ – 1154 ва 1999 йил 19 – июл кунги ПФ – 2340 сонли фармон талабларига тулиқ амал қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни хар чорак давомида таҳлил қилиб бориш дебитор қарздорликлари бор бўлган ташкилотлар билан солиштирма дололатномалар тузиб бориш ва муддати ўтган дебиторлик ва кредиторликлар хосил қилмаслик.

9. Товар моддий заҳираларини ҳисоби.

Жамият томонидан товар – моддий заҳиралар ҳисобини бухгалтерия ҳисоб режасининг 1010, 1090, 2810, 2910 хисоб варақларда юритиб келинган.

Жамиятда ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва муомала харажатлари учун зарур бўлган модддий бойликлар хисобдор шахслар зиммаларига К.К.С ни чегирган ҳолда кирим қилиб келинган.

Жамиятда моддий жавобгар шахслар билан жавобгарлиги тўғрисида шартномалар тузиб имзоланган.

Жамиятга олинган барча хом ашё, материал, бутлов қисмлар, инвентар жихозлар, марказий омборга кирим қилиниб, сўнгра ишлаб чиқариш ва даврий харажатлари учун сарфланган.

Ҳисобдорлар томонидан ҳисобот ойи якуни бўйича моддий бойликларни харакати юзасидан ҳисоботлар тузиб топширилган. Айрим ҳисоботлар моддий жавобгар тамонидан ҳисобтни кечиктириб топширганлар яъни ишончнома мудати тугагандан кейинги ойда ҳисоботлар топширилгани маълум бўлди . Ушбу камчиликлар текшириш давомида кўрсатиб ўтилди.

Жамиятнинг товар моддий бойликлари 1020-1090 счётларида йил бошига 3733710,6 минг сўмлик қолдиқ бўлган жорий йил давомида хисобдор шахсларнинг ҳисоботлари бўйича йил давомида жами бўлиб 6368710,4 минг сўмлик товар моддий бойликлар кирим бўлган ва йил давомида ишлаб чиқаришга, фермер хужаликларига ва бошқа ташкилотларга товар моддий бойликлар ҳисоботда жами бўлиб 6704650,0 минг сўмлик товар моддий бойликлари чиқим бўлган. Фермер хўжаликларига ва бошқада ташкилотларга берилган ТМЗи берилган ишончномаларга ва ёзилган хисоб варақларга асосланиб ҳисоботлардан чиқим қилинган.

Ҳисобдорлар томонидан ҳисобот ойи якуни бўйича моддий бойликларни харакати юзасидан ҳисоботлар тузиб топширилган, лекин

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

айрим хисобдор шахслар (механик ва смена мастерлари) хисоботларини ўз вақтида белгиланган тартибда тоширганлар бу эса сарф харажатлар хисоботининг аниқлигига шуҳба ўйғотади.

Товар моддий бойликлар ҳисоботларида яъни марказий омборнинг товар моддий бойликлари ҳисобатларида чиқим хужжатларида товар моддий бойликларни ишлаб чиқаришга ёки сотиш учун чиқим қилинган.

Айрим товар модиий бойликлар омбордан чиқим қилинганда тўғридан тўғри ишлаб чиқариш ҳисобига чиқим қилинган яъни моддий бойликларни олган (механик)моддий жабгар ҳисобига ўтказилиб, чиқим дололатномаси ёки дефект акти тузилиб кейин ишлаб чиқаришга чиқим қилиниши керак. Ушбу камчиликлар текшириш давомида кўрсатиб ўтилди.

Жорий йил давомида сарфланган шина ва акумляторларга хар бирига алохида карточкалар очилиб автомабилларнинг босиб ўтган километрлари, тракторларнинг моточаслари қайд қилиб борилмаган улани хисобдан чиқаришда уларнинг босиб ўтган йўли километрларини йўл варақасидаги (спидометр) кўрсатгичлари бўйича таққослаб борилмаган.

Жорий йил бошида ёрдамчи хўжалигида 63850,0 минг сўмлик чорва моллари бўлган йил давомида 14840 минг сўмлик чорва моллари ишчиларга иссиқ овқат учун чиқим бўлган ва йил охирида 49010,0 минг сўмлик қолдиқ қолган. Чиқим қилинган чорва моллари белгиланган талаблари асосида тузилган дололатномалари асосида хисобдан чиқарилган.

Жорий йил давомида 255747,5 минг сўмлик иссиқ овқат учун озиқ-овқат махсулотлари сарфланган ва сарфланиш дололатномалари билан тасдиқланиб ҳисобатлари бухгалтерияга тақдим қилинган лекин сарфланиш бўйича ведомостлар тақдим қилинмаган.

Солиқ кодексининг 172-моддаси меҳнат хақи тўлаш харажатлар таркибига озиқ овқат ёки озиқ овқат учун қопламалар киритилган шу сабабли иссиқ овқат учун тўламлар иш хақи харажатлар таркибига киритилиб барча турдаги ажратма ва солиқлар ҳисобланиши белигланган.

Ҳисобот йилида жамият томонидан ҳисобдор шахсларга товар-моддий қийматликларни олиб келиш учун ишончномаларни қайд қилиш китобида 1-дан 157 тартиб рақамлари бўйича жами 157 дона ишончномалар берилган. Берилган ишончномалардан 3 донаси бекор қилинган, 154-та ишончномаларнинг ҳисоботлари олиниб ишончномалари бериш китобида қайд қилиниб борилган.

Тавсия:

Товар моддий бойликлари ҳисоботларини ҳар ой якуни бўйича тўлиқ қабул қилиниб, кирим қисоб варақлари бўйича ишончнома муддатига тўла амал қилинган ҳолда қабул қилиш, ишлаб чиқаришга сарф килинган товар моддий бойликларнинг ҳисоботнини хар бир смена бўйича ишлаб чиқиш.

Аудиторлик ташкилоти Раҳбари *Б.Б.Назаров.*

10.Пахта хомашёси ва пахта толаси бўйича.

Жорий йилнинг 2019 йил 01 – январ холатига жамиятда 6886 тонна 23365135,9 минг сўм қийматдаги пахта хомашёси бўлган ва фермер хўжаликларидан 21360 тонна 75278607,0 минг сўм қийматдаги пахта хомашёси қабул қилиб олинган. Йил давомида 17760 тонна 61481002,5 минг сўмлик пахта хом ашёси қайта ишланган ва қуритиш тозалаш цехида(угар) учун 133 тонна 468753,3 минг сўмлик ва йил якунида 10353 тонна 36693987,2 минг сўм қийматда қолдиқ колган.

Жорий йилнинг бошига пахта 4004 тонна 37613278 минг сўмлик қолдиқ қолган шундан жамият омборида 2556 тонна 24010874 минг сўм ва терминалда 1448 тонна 13602404 минг сўмлик қолдиқ бўлган. Йил давомида ишлаб чиқаришдан 5883 тонна 53853188 минг сўмлик пахта толаси киримга олинган ва йил давомида 6774 тонна 61234490 минг сўмлик пахта толаси сотиш учун чиким килинган, 3 тонна 28741 минг сўмлик чиқим бўлган ва йил охирида 3110 тонна 30203234 минг сўмлик қолдиқ қолган шундан жамият омборида 1803 тонна 17512294 минг сўм ва терминалда 1307 тонна 12690941 минг сўмлик қолдиқ қолган.

Жорий йилнинг бошига пахта момигидан 327 тонна 577421 минг сўмлик қолдиқ бўлган йил давомида ишлаб чиқаришдан 508 тонна 991148 минг сўмлик пахта момиғи киримга олинган ва йил давомида 666 тонна 1251707 минг сўмлик момиқ сотиш учун чиқим қилинган ва йил охирида 169 тонна 316862 минг сўмлик қолдиқ қолган.

